

## **ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА ТАКРИР**

Абдишукур Мусаевич Шофкоров

Чирчиқ давлат педагогика университети доценти

abdushukur74@mail.ru

### **Аннотация**

Мақолада Ҳамид Олимжон шеъриятида қўлланган такрирнинг ўзига хос семантик ва стилистик хусусиятлари ёритилган. Ҳамид Олимжоннинг такрирдан фойдаланиш маҳорати ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: такрир, бадиий такрор, услубий восита, товуш такрори, лексик такрор, грамматик такрор.

### **REPETITION IN THE POETRY OF HAMID OLIMJON**

Abdishukur Musaevich Shofkorov

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical University

abdushukur74@mail.ru

### **Abstract**

The article describes the specific semantic and stylistic features of repetition used in the poetry of Hamid Olimjon. The ability of Hamid Olimjon to use repetition was discussed

**Keywords:** repetition, artistic repetition, stylistic device, sound repetition, lexical repetition, grammatical repetition.

Такрир арабча такрор сўзидан олинган бўлиб, у шеърий асарда сўзнинг турли шаклдаги такоридан иборат. “Такрир “такрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллашни назарда тутади” [9; 100]. Атоуллоҳ Ҳусайнин ушбу санъат ҳақида фикр билдирав экан: “Ани тақрор ҳам дерлар ва ул маънонинг такрири, яъни ани муқаррару муҳаққақ қилмоқ янглиғ нукта учун лафзни тақрорламактин ибораттур” [11; 172], – дейди. Аллома Атоуллоҳ Ҳусайнин такрирни маънавий санъатларга киригади ва ёзади: “Тибён” соҳиби, бу навъни тардид дерлар, дептур. Тардиднинг зикри лафзий санъатларда кечти” [11; 173].

Кўриниб турибдики, “такрир” манбаларда турлича номланган. Жумладан, тақрор, тардид, тақрир каби терминлар билан юритилган. Бу тақрор баъзи манбаларда маънавий санъатларга, баъзи манбаларда лафзий санъатларга киритилган. Бизнинг фикримизча, у лафзий-маънавий санъатлар турига киради. Чунки тақрирда шакл ва маъно тақорори мавжуд бўлади. Бу эса тақрирнинг лафзий ва маънавий санъатлар хусусиятларини ўзида мужассам этишидан далолатдир. Тақрирда сўз тақорори ёки, умуман, тил бирлиги тақорори маълум бир қонуният асосида тақрорланмайди, балки тақрир мисраларда турли шаклларда тақрорланади. Шунингдек, тақрирни турли тил бирликлари хосил килиши мумкин. Бу услубий восита тақрорнинг бошқа турларига нисбатан кенгроқ қўлланиш

хусусиятига эга. Шу маънода тақрир воситасининг тақрор деб қўлланиши ҳам унинг тақрорнинг барча турларига ишора қилгандек бўлади.

Ҳамид Олимжон шеъриятидаги тақрорлар ҳам турли шаклларда намоён бўлган. Шоир ижодида тақрирнинг сўз, мисра, сўз бирикмаси, байт, банд тақорори каби шакллари учрайди.

Шоирнинг “Бахтлар водийси”, “Ўрмон оппок”, “Ўлка сафарбар”, “Кадр”, “Манзара” каби шеърларида сўз тақорори билан боғлиқ тақрир санъати қўлланган. Шоир “Бахтлар водийси” шеърида кўм-кўк сўзи тақороридан маҳорат билан фойдаланади. Бу сўз шеърда йигирма марта қўлланган.

Кўм-кўк.

Кўм-кўк.

Кўм-кўк...

Кўклам қуёшидан

кўкарган қирлар,

Пўлат яғринларни

кўтарган ерлар

кўм-кўк!... [8; 151]

Шеърнинг биринчи мисрасидаёк кўм-кўк сўзининг градация шаклидаги тақорори маънони кучайтириб ифодалаган бўлса, банд охиридаги тақорори маънони таъкидлаган. Ушбу тақрор воситаси табиат манзарасини образли, таъсирли ифодалашга хизмат қилган.

Кўм-кўк...

Кўм-кўк...

Кўм-кўк...

Меҳнат – шараф, баҳт бўлган

водийлар

кўм-кўк...

Ғўза гули билан

қалблари ўсган,

Ғўза япроғи-ла

қалби кўкарган

водийлар

кўм-кўк... [8; 153]

Шеърда кўм-кўк сўзи икки марта мисрада тақрорланиб, градацияни ҳосил қилган бўлса, тўққиз марта бандлар охирида тақрорланган. Беш марта мисралар бошида тақрорланган.

Ҳар бир тақрорда ўлканинг гуллаб-яшнаши таъкидланади, бўрттирилади.

Ҳамид Олимжоннинг “Ўрмон оппок, кир оппок” шеърида тақрорнинг ўзгача шаклини кўриш мумкин.

Ўрмон оппок, кир оппок,

Дала оппок, чўл оппок,

Сахро оппок, кум оппок,

Кўмир оппок, мум оппок, [8; 313]

Шеърда оппоқ сўзи такори қўлланган бўлиб, бу сўз 14 мисрадан иборат шеърда 21 марта такрорланган. Қиши манзараси тасвири образли ифодаланган. Тасвирдаги оппоқ қорга бурканган бутун борлиқ, эртанги ёруғ кундан, мўл ҳосидан дарак эканлигига ишора. Бунда оппоқ сўзи такоридан маҳорат билан фойдаланган.

Ҳамид Олимжон “Манзара” шеърида сўз такорини бир мисра доирасида қўлланган. Шеърнинг биринчи мисрасида қор сўзи такори уч марта қўлланган.

Қор... Қор... Қор...

Кўзларим қамашар боққанда,

Ҳамма ёққа чўккан баробар,

Бирор ерни қилмаган канда. [8; 165]

Шеърнинг биринчи мисрасида қўлланган такрор образли ҳолатни юзага келтирган. Бу тасвир китобхон диққатини жалб қилиб, бутун эътиборни шу мисрага қаратади.

Шоир шеърларида такрирнинг мисра, байт, банд такрорларини ҳам кўп қўллайди. “Ишим бордир ўша оҳуда” шеърининг дастлабки мисраси ҳар бир банд охирида такрор қўлланилган.

Ишим бордир ўша оҳуда,

У менга кўринар ҳар замон.

Фикримни чулғайди беомон,

Ўтларга ташлайди хўп ёмон,

Ишим бордир ўша оҳуда. [8; 199]

Ҳар бир бандда маълум бир мисранинг такори бандлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди. Шеърда шоир мурожаат қилган ўша оҳу – бу илҳом париси. У шоирни доим безовта қиласди.

У кўринар сойдаги сувда,

Бир паридир тоза, осуда...

Қоялардан учар бемалол,

Қушлар кўрса титраб қолар лол,

Ишим бордир ўша оҳуда. [8; 199]

Шунингдек, Ҳамид Олимжон “Тезгина кеч бўлса”, “Ниҳол”, “Шарқдан ғарбга кетаётган дўстга”, “Мешчан хотин”, “Ўзбекистон”, “Шоҳизинда” каби шеърларида; “Жангчи Турсун” балладасида, “Зайнаб ва Омон”, “Ота ҳаётидан” каби достонларида мисра такорини қўллаб, ткрирнинг гўзал намуналарини яратган.

Шоир “Салом”, “Ҳали туғилмаган ўғилга”, “Бўл омон” шеърларида; “Семурғ” достонида байт такорини усталик билан қўллаган. Хусусан, “Салом” шеърида ҳар бир банд охиридаги икки мисра такрорланиб, нақаротни юзага келтирган.

Сизга салом олиб келдим Ўзбекистондан,

Эр йигитлар ўйнаб ўсган боғу бўстондан,

Гўзал ёрлар кутиб турган чин гулистондан,

Оталардан, оналардан, боғлардан салом,

Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом. [8; 298]

Бундай нақарот, биринчидан, оҳангдошликни, мусиқийликни таъминлаган бўлса, иккинчидан, шеърнинг асосий ғояси ҳам мана шу икки мисрага сингдирилган. Шеърда

жангчиларга юртидан, халқидан салом етказилганлиги нақарот мисраларда умумлаштирилган, таъкидланган.

Ота дебди, менинг ўғлим қаҳрамон бўлсин,

Она дебди, ёвни енгиб паҳлавон бўлсин,

Гўзал ёрлар қайдা бўлса, у омон бўлсин,

Оталардан, оналардан, боғлардан салом,

Шарқираган булоқлардан, тоғлардан салом. [8; 298]

Ҳамид Олимжон “Йигитларни фронтга жўнатиш”, “Нима бизга Америка”, “Чирчиқ бўйларида” каби шеърларида банд такрорини моҳирлик билан қўллаган. Чунончи, “Чирчиқ бўйларида” шеъри ўн тўрт банддан иборат бўлиб, шеърнинг тўққизинчи ва ўн иккинчи бандлари такрорни юзага келтирган.

Умуман олганда, Ҳамид Олимжон шеъриятида энг моҳирона қўлланган лексик бадиий тасвирий воситалардан бири такрирdir. Бу такрор воситаси орқали шеърдаги маълум ҳолатга, сўзга, умуман, тил бирлигига урғу берилади ва шеър давомида айнан шу тушунчанинг моҳияти ёритилади. Шу асосида шеърда айтилмоқчи бўлган фикр коннотатив мазмун касб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Адабиётшунослик терминлари лугати / Тузувчилар: Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. - Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 300.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука, 1969.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. -Т.: Фан, 2007. - Б. 123.
4. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ, 1994. – Б. 140.
5. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
6. Уринбаев З. Лингвистическая природа редупликаций в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982. – С. 18; Буранова М. Структурно-семантические особенности редупликативных слов в английском и узбекском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1982. –С. 18.
7. Шофкоров А.М. Ўзбек тилида бадиий такрор. – Т., Фан ва технология, 2019. – Б. 120.
8. Ҳамид Олимжон. Муқаммал асанлар тўплами: Ўн жилдли. – Т.: Фан, 1979. – 1-жилд. - Б. 404.
9. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999.
10. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. ЎзМЭ, 2002. – Б. 168.
11. Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ / Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.